



9/9 -23-сон

2023 йил 29 сентябрь

Солиқ қўмитаси ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг 2023 йил III чорақдаги фаолияти тўғрисида қисқача ахборот

2023 йилнинг учинчи чорагида Жамоатчилик кенгаши битта мажлис ўтказди, унда Солиқ органларида коррупцияни олдини олиш концепциясини ишлаб чиқиш тўғрисидаги таклиф муҳокама қилинди.

Жамоатчилик кенгаши аъзолари томонидан таъкидланганидек, солиқ органлари кўпгина мамлакатларда коррупцияга энг кўп ботган муассасалар жумласига киради. Бир томондан, виждонсиз солиқ тўловчилар томонидан коррупциявий хизматларга талаб мавжуд, бошқа томондан – инсофли солиқ тўловчиларга порахўрларнинг босими мавжуд. Бунда порахўрлик билан боғлиқ ноқонуний ҳаракатлардан кутиладиган наф, одатда, фош этиш ва жазолашдан кўриладиган эҳтимолий йўқотишлардан ошади.

Сўзга чиққанлар солиқ органларида коррупциянинг олдини олишнинг куйидаги йўналишлари бўйича чора-тадбирларга алоҳида урғу бердилар:

– солиқ органларида амалдаги коррупцияга қарши қонун ҳужжатлари меъёрларини қўллаш самарадорлигини ошириш;

– солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини коррупцияга қарши такомиллаштириш;

– солиқ органлари фаолиятини ташкил этишга доир ўзгартиришлар киритиш;

– солиқ органлари ходимларини бошқаришга доир ўзгартиришларни амалга ошириш;

– ички назорат ва солиқ текширувлари самарадорлигини ошириш;

– санкциялар ва жавобгарликни кучайтириш;

– солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш;

- коррупцияга қарши фаолиятнинг шаффофлигини ошириш;
- солиқ низоларини судгача кўриб чиқиш механизмлари самарадорлигини ошириш;
- солиқ тўловчиларни ўқитиш ва уларга ёрдам кўрсатиш;
- солиқ органлари фаолиятини баҳолаш ва рағбатлантириш;
- жамоатчиликнинг коррупцияни олдини олишдаги иштирокини кучайтириш.

Жамоатчилик кенгаши 2023 йилнинг IV чорагида Солиқ органларида коррупцияни олдини олиш концепциясини ишлаб чиқиш ва уни Солиқ қўмитаси раҳбариятига кўриб чиқиш учун тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Кенгаш раиси



М. Перпер